



Дўсту биродарлигимиз янада мустаҳкамланади




Шу йил 27 август куни Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Қирғизистон мусулмонлари идораси янги биносининг очилиш маросимида Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан вакиллар ҳам ташриф буюришди.

Маросимда сўзга чиққан Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ҳозирги кунда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари кенгаяётгани, айниқса, диний идораларнинг дўсту биродарликка

асосланган алоқалари янги босқичга кўтарилганини қайд этиб, келгусида фатво марказлари фаолиятини ҳамкорликда ривожлантириш, кўшма фатволарни эълон қилиш, китоблар тасниф ва чоп этиш ва уммат олдидаги муҳим масалалар юзасидан уламоларнинг илмий мунозаларини кўпайтириш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Қирғизистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Замир қори Ракиев Марказий Осиё халқлари қадим-қадимдан дўсту биродар бўлиб яшаб келгани, ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлар экан, бундай савобли ишларда дин пешволари ибрат бўлишлари зарурлигига урғу бердилар.



Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан “Ынтымак” (Бирдамлик) медали билан тақдирландилар.

Аллоҳ таоло икки халқнинг ўзаро яқин, дўстона муносабатларини бардавом айласин!

Ўз мухбиримиз

Танлов

Йил имоми–2023



Шу йил 13 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги “Шайх Зайниддин” жоме масжидининг мажлислар залида “Йил имоми–2023” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 12 нафар имом-домла иштирок этди. Якуний натижаларга кўра, қуйидагилар “Йил имом–2023” танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари деб топилди:

I ўрин: Яшнобод тумани, “Холид ибн Валид” жоме масжиди имом-хатиби Исроилжон Исмоилжонов;

II ўрин: Учтепа тумани, “Абу Хурайра” жоме масжиди имом-хатиби Муҳиддин Нўъмонжонов;

III ўрин: Шайхонтохур тумани, “Эшонгузар” жоме масжиди имом-хатиби Исроилжон Убайдуллаев.

Ғолиблар Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент шаҳар вакилликнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

“Йил имоми–2023” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиби Исроилжон Исмоилжонов танловнинг республика босқичида қатнашади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 30 август. Сирдарё вилояти Ховос туманида “Нажмиддин Кубро” жоме масжиди фойдаланишга топширилди. Умумий майдони 22 сотих бўлган масжид 300 нафар намозхонга мўлжалланган.

✓ 30 август. Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги “Суйин эшон” масжиди таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Маълумот учун, 1996–1998 йилларда бунёд этилган масжидда 2018 йили қайта таъмирлаш ишлари бошланган эди.

✓ 5 сентябрь. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва диний-маърифий ишлар самарасини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом-хатиби Исмоилжон Муҳаммад Содиқ ва “Минор” жоме масжиди имом-хатиби Раҳматуллоҳ Сайфидинов “Кўкалдош” ўрта махсус ислом билим юртининг “Фахрий устоз” унвони билан тақдирланишди.

✓ 5 сентябрь. Яхё Абдурахмонов Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги “Имом Термизий” жоме масжиди имом-хатиб этиб тайинланди.

✓ 7 сентябрь. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти раҳбарлари Таҳфизул Куръон кафедраси биносида талабалар билан очик мулоқот ўтказишди.

✓ 7 сентябрь. БАА Дубай Исломи банки Куръони каримнинг тарқалиши ва чоп этилиши учун “Дар ал-Бир” уюшмасига 550 000 дирҳам ажратди.

✓ 8 сентябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ташаббуси билан “Оламларга раҳмат Пайғамбар” номли сийрат танлови эълон қилинди. Танлов китоб, мақола, медиа ва инновацион лойиҳалар йўналишларида ўтказилади.

✓ 12 сентябрь. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Туркия Тарихчилар жамияти раҳбари Юксел Ўзген ҳамда Туркия Маданият ва туризм вазирлиги маданият, тил ва тарих олий органи раҳбари Деря Ўрз билан илмий муассасалар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш бўйича мулоқот ўтказилди.

✓ 13 сентябрь. Бухоро вилояти Вобкент тумани, “Анжир Фағнавий” зиёратгоҳида 3000 намозхонни сифдирадиган янги масжид қурилиши бошланди.

Бош имом-хатиблар малака оширишди



Жорий йил 21–23 август кунлари Бухоро шаҳридаги Мир Араб олий мадрасасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туманлар-шаҳарлар бош имом-хатиблари учун 36 соатлик малака ошириш ўқув-машғулоти ташкил этилди.

Машғулотларда дин соҳаси вакиллари бurch ва масъулиятлари, фаолиятлари давомида эътибор қаратишлари лозим бўлган жиҳатлар ҳақида атрофлича тушунча берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ва Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Давронбек Махсудов мамлакатимизнинг янги тараққиёт даврида

диний-маърифий ишларни янада жадаллаштириш, ёшларни ҳар томонлама етук шахс сифатида тарбиялаш, уларни ёт ғоялар таъсиридан сақлашга қаратилган тарғиботларни кенг кўламда ташкил этиш, айниқса, бош имом-хатибларнинг фуқаролар билан ишлаш, масжидлар ишини юритиш билан боғлиқ фаолиятларини самарали олиб бориш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар тўғрисида тўхталдилар.

Ушбу тадбир Ислом динининг қадимий марказларидан бўлган Бухоро шаҳрида ташкил этилгани бежиз эмас. Бухорои шариф буюк уламоларни етиштирган замин бўлиб, айни кунларда ҳам ушбу анъана давом этаётгани, яъни 500 йиллик тарихга эга Мир Араб олий ва ўрта махсус мадрасалари фаолият юритаётгани, бу масканда кўплаб алломалар таҳсил олишгани

эътиборга сазовор. Иштирокчиларга нафақат билимини ошириш, балки Бухоро тажрибасини ўрганиб, уни ўз ҳудудларида амалга татбиқ этиш имконияти яратилди. Шу мақсадда улар маънавий-маърифий тарғибот ишларига ҳам сафарбар қилинди. Дарслар давомида бош имом-хатиблар ўзаро тажриба алмашиш билан бирга, маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўтказилган семинарларда қатнашиб, диний-маърифий соҳага оид саволларига мутахассислардан жавоб олишди.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков долзарб масалаларга раддия бериш методологияси, мунозара одоблари ва имомларга яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш мавзуларида маъруза қилди.

Тошкент ислом институти

ректори, сиёсий фанлар доктори, профессор Муҳаммад-олим Муҳаммадсиддиқов ҳозирги пайтда жаҳон саҳнасида мафкураравий курашлар, инсонларнинг онгини заҳарлашга қаратилган ҳаракатлар, эътиқодга тажовузлар янада жиддий тус олгани, унга қарши курашда дунёда кечаётган геосиёсий вазиятлардан чуқур хабардор бўлиш зарурлигини таъкидлади.

Тадбир якунида ўқув-машғулотларини муваффақиятли таъминлаган 219 нафар битирувчига сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Малака ошириш ўқувларидан сўнг бош имом-хатиблар Бухоро вилоятидаги муборак “Етти пир” қадамжоларини зиёрат қилишди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

Мутолаа

Билингки, инсон нафси учга бўлинади: нафси мутмаинна, нафси лаввома ва нафси аммора.

Нафси мутмаинна — ором топган нафс, Аллоҳ таолони ягона Раб эканига мустаҳкам ишонч ҳосил қилган, Аллоҳнинг ваъдаларига сидқидилдан ишонган, У зотнинг ҳар бир сўзи ҳақлигини тасдиқлайдиган, Раббининг берган барча синовига сабр қилган нафс.

У мўмин нафсдир, охирада Аллоҳ уни шарманда қилмайди, унинг амаллари китоби ўнг қўлига топширилади ва унинг юзи оппоқ, ёруғ бўлади. Бундай нафс яхши-ёмон, фойдаю зарарнинг барчаси илоҳий тақдир эканига бўйсунди.

Аллоҳ таоло Ўзининг ваъдаларига қатъий ишонган ва Унинг розилигини яхши амаллар билан қозонишга интилган нафсга бундай хитоб қилади: **«Эй хотиржам нафс! Раббингга сен Ундан, У сендан рози бўлган ҳолда қайт!»** (Фажр сураси, 27–28-оятлар).

Нафси лаввома — ўз соҳибини

содир этган гуноҳлари учун ёмонлаб, таъна-маломат қилдиган нафс. У ҳар доим ўзидан норози бўлиб, нафсига тинмай танбеҳ беради, асло хотиржамликни туймайди.

Танбеҳ қилувчи (маломатчи) нафс имкониятларини қўлдан бой бергани учун ўзидан жуда хафа бўлади ва ўз ҳаракатларидан ҳеч қачон қониқмайди. У яхши иш қилса: “Кўпроқ қилишим керак эди!” дейди. Гуноҳ иш қилганида эса: “Нега шундай қилдим?!” деб афсусланади.

Аллоҳ таоло бундай маломатчи нафс билан қасам ичади: **«Ва маломатчи нафс билан қасам** (қиёмат кuni қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсиз!)» (Қиёмат сураси, 2-оят).

Нафси аммора — ёмонликка буюрувчи нафсдир. Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломнинг тилларидан бундай марҳамат қилади: **«Ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Раббим раҳм**

Нафснинг турлари

қилмаса, ёмонликка ундовчидир. Албатта, Раббим мағфиратли ва билгувчи Зотдир» (Юсуф сураси, 53-оят).

«Аммо кимки Раббисининг (ҳузурида) **туриши** (ва ҳисобот бериши) **дан кўрққан ва нафсини ҳаволаниб кетишидан қайтарган бўлса...»** (Нозият сураси, 40-оят).

«(Эй Муҳаммад!) Ҳавойи нафсини ўзига “илоҳ” қилиб олган ва Аллоҳ уни (азалдан гумроҳ бўлишини) **билган ҳолда адаштириб, қулоқ ва қалбини муҳрлаб, кўзига парда тортиб қўйган кимсани кўрдингизми?»** (Жосия сураси, 23-оят).

Ҳавойи нафс кўзга кўринмайди, у қулоқни ёпиб, кўзни тўсиб қўяди. Ёмонликка буюрувчи нафс шайтондан кўра хавфлироқдир. Чунки шайтоннинг макри заифдир. Аллоҳ таоло Иблис ҳақида бундай дейди: **«...магар Иблис бош тортди, мутакаббирлик қилди ва кофирлардан**

бўлди» (Бақара сураси, 34-оят). Кибр эса нафсдан содир бўлади.

Аллоҳ таоло бу нафснинг ёмон ишларга мойиллигини, яхшиликлардан узоқлигини бошқа оятларда ҳам зикр қилган.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **«Аллоҳ** (тоати йўли) **да ҳаққоний жидду жаҳд қилингиз!»** (Ҳаж сураси, 78-оят). Яъни, нафсингизни тийиб туринг, бефойда орзу ва истаклар сари юғриб кетишига йўл қўйманг!

Абу Абдураҳмон Сулабий бошқа бир асарида бундай дейди: “Одамлар **“шаҳидлик”** деганда, **фақатгина жанг майдонида ўлим топишни тушунадилар.** Ҳолбуки, **ҳақиқий шаҳидлик нафсга бўйсунмаслик ва унинг истагига қарши чиқишдир”.**

Абу Абдураҳмон Сулабийнинг “Нафс иллатлари ва уларнинг муолажаси” китобидан
Даврон НУРМУҲАММАД таржимаси



Таълим-тарбия беришда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам қўллаган услублардан яна бири сўзларни далил-ҳужжат билан қувватлаш, қиёслаш ҳамда мисол келтириш орқали сабабларни баён қилишдир. У зотнинг сўзлари очик ва тушунарли бўлиб, айтган гапларидан сўнг келтирадиган бир ҳужжатлари бўлар эди. Шунда сўровчи ҳам ҳақиқатни чуқур англа, қалби хотиржам бўлар, кўзи қувонарди. У зотнинг келтирган далиллари энг тўғри баён, энг катта ҳужжат бўлар эди. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин.

Бир куни Набий алайҳиссалом саҳобаларига: **“Ҳар бирингиз учун жимода ҳам садақа бор”**, дедилар. Саҳобалар: **“Ё Расулulloх, одам шаҳватини қондирганига ҳам ажр оладими?”** дейишди. У зот: **“Айтинглар-чи, агар у шаҳватини ҳаром йўл билан қондирса, гуноҳ бўлармиди? Демак, ҳалол йўл билан қондиргани учун ҳам унга савоб ёзилади”**, дедилар.

Ҳадисда агар тўғри ният билан қилинса, мубоҳ ишлар ҳам тоатга айланишига ишора бор. Жумладан, жимо ҳам. Агар у билан хотинининг ҳаққини адо қилиш, Аллоҳ буюрганидек чиройли муомала қилиш, солиҳ фарзанд сўраш, ўзининг ва хотинининг нафсини ҳалол йўл билан қондириш, ҳаромдан тийилиш каби эзгу мақсадларни ният қилса, жимо ҳам ибодатга айланиши мумкин. Аммо саҳобалар инсон ўз аёли билан шаҳватини қондириб, роҳатлангани учун савоб олишидан ажабланишди. Сарвари олам уларга шунчаки: **“Аллоҳ сизларга шуни буюрди, шунга ҳукм қилди”**, деб қўйсалар шу гапларининг ўзи ҳам далил-ҳужжат ўрнига ўтарди. Зеро, Аллоҳнинг каломи ва Расулининг сўзи ҳақиқий ҳужжат ва далилдир. Лекин Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бу билан кифояланмай, масалага қиёс ҳам келтирдилар. Бу қиёс саҳобаларнинг ўзлари ҳам тан оладиган қиёс эди. Бу йўл ва услуб орқали йўқ нарсани бор нарсага солиштириб, тафаккур қилиш учун уларни фикрлашга чорладилар: **“Айтинглар-чи, агар**

шаҳватини ҳаром йўл билан қондирса, унга гуноҳ бўлармиди?” деб сўрадилар. Саҳобалар бу ишнинг оғир гуноҳ эканини билишарди. Шу сабаб аввал тасдиқни шарт қиладиган саволни бериб туриб, сўнг унга ўзлари жавоб бердилар: **“Худди шунингдек, ҳалол йўл билан қондиргани учун унга савоб ёзилади”**.

Нуъмон ибн Башир розияллоху анхудан ривоят қилинади: **«Отам мени кўтариб, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига борди ва: “Ё Расулulloх, гуноҳ бўлинг, мен ўғлим Нуъмонга мол-давлатимдан шунча-шунча бердим”, деди. У зот: “Ҳар бир боланга ҳам Нуъмонга берганингча бердингми?”** дедилар. Отам: **“Йўқ”**, деди. У зот: **“Ундай бўлса, бу ишингга мenden бошқасини гуноҳ қил”**, дедилар. Сўнггра: **“Фарзандларинг сенга яхшилик қилишда баробар бўлишини истайсанми?”** деб сўрадилар. Отам: **“Ҳа”**, деди. У зот: **“Бўлмаса, ундай қилма”**, дедилар»¹.

Набий алайҳиссалом: **“Агар шундай бўлишини хоҳласанг, бундай йўл тутуш яхши эмас”**, деб насиҳат қилдилар. Аслида “бундай қилиш жоиз эмас”, деб қўйсалар ҳам етарли бўлар эди. Чунки у зот айтган сўзнинг ўзи ҳужжат ва далил бўлишини юқорида айтиб ўтдик. Бунга шак-шубҳа йўқ. Лекин Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бу ишнинг ҳақиқатини баён қилиб, далилларга тўғри келиши учун ҳукмнинг сабабини ҳам кўрсатиб бердилар. Бу маънони **“Фарзандларинг сенга яхшилик қилишда баробар бўлишини хоҳласанг”** деган сўзлари билан ифода-лаб бердилар. Маълумки, ҳар қандай ота барча фарзандларининг яхшиликда баробар бўлишини истайди. Лекин фарзандларнинг биттасига ато бериб, бошқасига бермаса, қолганлари ҳам отага яхшилик қилишда, уни яхши кўришда баробар бўлмайди, унга бирдек меҳр қўйишмайди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг мана шу нарсани мукамал даражада тушунтириб берганларига эътибор беринг-а!

Яна бир ҳадисда айтилади: **«Жуҳайна қабиласидан бир аёл Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Онам ҳаж қилишни назр қилган эди. Лекин ҳаж қилмасдан вафот этди. Унинг номидан ҳаж қилавераманми?”** деди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ҳа, унинг номидан ҳаж қил. Айтчи, агар онангнинг қарзи бўлганида, уни адо қилармидинг? Аллоҳнинг қазосини ҳам адо қилинглр.**

Вафо қилишга Аллоҳ ҳақлироқ”, дедилар»².

Кўриб турибсизки, Набий алайҳиссалом сўровчи аёлга онасининг номидан ўша назр қилинган ҳажни адо қилиш мумкинлигини аввалги ҳадисдаги каби қиёсий йўл билан тушунтирдилар. Уни ҳамма тасдиқ қиладиган нарсага, яъни қарзнинг адо этилишига қиёс қилдилар ва бу услуб ўша аёлга тушунарлироқ бўлди. Шубҳасиз, далилни зикр қилиш ҳукмга қувват беради ва у бирор маълумот сўраган кишига ёқимлироқ ва тушунишга осонроқ бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: **«Фузора қабиласидан бир киши Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Аёлим қора бола туғди”**, деди. У зот: **“Туяларинг борми?”** дедилар. У киши: **“Ҳа”**, деди. У зот: **“Ранги қаннақа?”** деб сўрадилар. У киши: **“Қизил”**, деди. У зот: **“Орасида ола-буласи ҳам борми?”** дедилар. У киши: **“Ҳа, ола-буласиям бор”**, деди. У зот: **“Улар қаёқдан келди?”** дедилар. У киши: **“Қони тортган (зотига тортган) бўлса керак”**, деди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Бу боланинг ҳам қони тортган (яъни зотига тортган) бўлса керак”**, дедилар».

Бошқа бир ривоятда ўша киши: **“Ё Расулulloх, хотиним қора бола туғди”**, деб боласини инкор қилмоқчи бўлди. Ҳадиснинг охирида: **“Унга боласини инкор қилишга рухсат бермадилар”**, деган кўшимча бор³.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам болани ўзига нисбат бериш ёки инкор қилишга рангларнинг алоқаси йўқлигини тушунтирдилар. Ваҳоланки, “Хотини билан тўшақда ётган бўлса, боланинг туғилиш муддати ҳам етарли бўлган бўлса, бола инкор қилинмайди”, десалар етарли эди. Лекин у зот ҳукмнинг кўринишини баён қилиш, ҳақиқатни тушунтириш, ҳужжат-далил келтиришни хоҳладилар. Унинг эътиборини ўзи тасдиқлайдиган, таслим бўладиган нарсани қиёслашга қаратдилар. Билмайдиган нарсасини биладиган ва ишончли нарсасига қиёсладилар. Бу билан шубҳаланиб юрган нарсасини ишончлига айлантирдилар.

Саййид Муҳаммад Ҳасанининг **“Икки олам сарвари”** асаридан **Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ** таржимаси

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

³ Имом Муслим ривояти.

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Мусофир киши билан муқим кишининг пешин намози қазо бўлса, қай бири имом бўлиб намозни адо этади?

ЖАВОБ: Мусофир билан муқимнинг тўрт ракатлик намози қазо бўлса, муқим мусофирга имом бўла олмайди.

“Муқим мусофирга намознинг вақтида имомлик қилса, мусофир тўлиқ ўқийди. Аммо муқим киши намознинг вақти чиққанидан кейин мусофирга имомлик қила олмайди. Агар имомлик қилса, мусофирнинг иқтидоси фасод бўлади. Мусофир муқимга имомлик қилса, муқим тўлиқ ўқийди ва мусофир қаср қилади. Мусофир намозни тугатгач: “Намозингизни тўлиқ қилиб олинг. Чунки мен мусофирман”, дейиши мандуб (мустаҳаб)дир. (“Мухтасарул виқоя”).

САВОЛ: Масжид гумбазлари тепасига ўрнатиладиган ҳилол — янги ой рамзи қайси томонга қараб туриши керак?

ЖАВОБ: Ислом уламолари масжид ва миноралар устига ўрнатиладиган ҳилол рамзининг учли қирраларини қибла томонга қараб ўрнатилиши мақсадга мувофиқ деганлар.

Бирлашган Араб Амирликлари ва Қатар давлати фатво ҳайъатларининг жавоблари қуйидагича: «Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Сиздан (Эй Муҳаммад,) ҳилоллар (янги ойлар) ҳақида сўрайдилар. “Улар одамларга (йил ҳисоби) ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир”**, деб айтинг” (Бақара сураси, 189-оят).

Модомики, осмондаги ҳилол (янги ойлар) инсонлар учун вақт ўлчови бўлиб хизмат қилар экан, масжид меъзаларига ўрнатилган ҳилол рамзлари ҳам одамларга қиблани белгилашлари учун хизмат қилсин. Зеро, шаръий қоидага кўра, инсонларга манфаат келтирувчи ва шариатга хилоф бўлмаган ҳар бир ишнинг жоиз экани қабул қилинган» (БАА Вақф ва Ислом ишлари Бош ҳайъати 687-рақамли фатво).

Малайзия халқаро ислом университетининг профессори Аммар Фазл айтади: “XV асрда усмонли турклар бутун мусулмон умматига ой рамзини тарқата бошлашди.

5-бетда

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Кимнинг китоби ўнг тарафидан берилса...

(Давоми, боиланиши 15-сонда)

«**Ҳа! Албатта, Рабби уни доим кўриб турувчи эди. Шафақ билан қасам. Кечаси ва ўраб олган нарсалар билан қасам. Тўлин ой билан қасам. Албатта, сизлар босқичма-босқич (яшаб) келурсиз. Нима бўлган уларга, иймон келтирмаслар?! Агар уларга Қуръон ўқилса, сажда қилмаслар. Балки кофирлар ёлғонга чиқарурлар. Улар (қалбларида) нимани сақлаётганларини Аллоҳ билади. Уларга алам-ли азобнинг “башоратини” беринг. Лекин иймон келтирганларга ва яхши амаллар қилганларга миннатсиз, узлуксиз ажрлар бор»** (Иншиқоқ сураси, 15–25-оятлар).

«**Ҳа! Албатта**», инсон қайтади, қайта тирилади ва ҳисобга тортилади.

«**Рабби уни доим кўриб турувчи эди**». Парвардигор уни ва амалларини кўриб турувчидир.

«**Шафақ билан қасам**». Шафақдан мурод қуёш ботаётганда уфқда

кўринадиган қизилликдир.

«**Кечаси ва ўраб олган нарсалар билан қасам**». Тун ўз зулмати билан қоплаб олган нарсалар билан қасам.

«**Тўлин ой билан қасам. Албатта, сизлар босқичма-босқич (яшаб) келурсиз**». Сизлар баъзиси баъзисидан шиддатли бўлган ҳолатдан ҳолатга йўлиқасиз. Яъни, ўлимга, қайта тирилишга ва қиёмат кўрқинчига йўлиқасиз.

«**Албатта, сизлар босқичма-босқич (яшаб) келурсиз**» оятини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтасиз**”, деб тафсир қилганлар. Сўнгра: “**Олдингизда буюк иш турибди. Буюк Аллоҳдан паноҳ сўранглар**”, деганлар.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ: “Бир ишдан кейин бошқа ишга ўтиш. Роҳатдан сўнг қийинчиликка, қийинчиликдан кейин роҳатга ўтиш. Бойликдан кейин фақирликка, фақирликдан кейин бойликка ўтиш, соғлиқдан кейин бевобликка, бевобликдан кейин соғлиққа ўтиш”, деган.

«**Нима бўлган уларга, иймон келтирмаслар?!**» Яъни, далиллар иймон келтириш вожиблигига далолат қилгандан сўнг уларни иймон келтиришдан нима тўсмоқда?

«**Агар уларга Қуръон ўқилса, сажда қилмаслар**». Яъни, намоз ўқимаслар. Аллоҳ таолога итоат этмаслар.

«**Балки кофирлар ёлғонга чиқарурлар**». Яъни, Муҳаммад алайҳиссалом ва у зот келтирган нарсани ёлғонга чиқарурлар. Муқотил раҳимахуллоҳ: “Ушбу ояти карима Амр ибн Умайр болалари ҳақида нозил бўлган. Улар тўрт нафар эди. Иккаласи иймон келтирди”, деган. Бир ўринда: “Барча кофирлар ҳақида нозил бўлган”, дейилади.

«**Улар (қалбларида) нимани сақлаётганларини Аллоҳ билади**». Яъни, қалбларидаги нифок, кин ва адоватни. Мужоҳид: “Амалларидан беркитаётганларини”, деб тафсир қилган.

«**Уларга алам-ли азобнинг “башоратини” беринг**». Ҳақни ёлғонга чиқарганларга жаҳаннам азоби бўлиши хабарини беринг.



«**Лекин иймон келтирганларга ва яхши амаллар қилганларга миннатсиз, узлуксиз ажрлар бор**». Яъни, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг расули, деб шаҳодат келтирган ҳамда солиҳ амаллар, фарзларни адо этадиганларга камайиб, тўхтаб қолмайдиган савоблар бор.

«Тафсири Қуртубий» асосида
Қибрай тумани бош имом-хатиби
Миродил МИРЖАМИЛОВ
тайёрлади.

Яхшиликка чақириш

“Хулқ” сўзи луғатда “характер”, “феъл-атвор” маъноларини англатади. Истилоҳда: “Мақталадиган ё ёмонланадиган белгилари орқали билиниб турадиган бандадаги доимий сифат “хулқ” деб аталади”.

Хулқ мақталадиган ё ёмонланадиган сифатлари билан табиий эҳтиёждан ажралиб туради. Яъни, табиий эҳтиёж мақталмайди ҳам, ёмонланмайди ҳам, аммо хулқ албатта ё мақталадиган ё ёмонланадиган сифат бўлади. Масалан, чанқаганда сув ичиш табиий эҳтиёж, сахийлик эса хулқ ҳисобланади.

Хулқ шаклланиш жиҳатидан икки турга бўлинади: туғма хулқ ва кейинчалик ўзлаштирилган хулқ.

“Туғма хулқ” деганда, бандадаги кейинчалик ўзлаштирилмаган, балки дунёга у билан бирга келган туғма характери тушунилади.

“Кейинчалик ўзлаштирилган хулқ” деганда эса, турли омиллар натижасида бандада шаклланган ва унинг доимий одатига айланган яхши ёки ёмон сифат тушунилади. Яъни, бирор иш инсоннинг доимий одатига айлангандагина ўша сифат унинг хулқига айланади. Акс ҳолда у хулқ эмас, балки бирор зарурат юзасидан адо этилган иш ҳисобланади.

Шунга кўра, динда мақталган хулқларни ўзлаштиришга уриниш ва ёмонланган хулқлардан сақланиш комил мусулмоннинг белгиларидан саналади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўзал хулқли бўлишга тарғиб қилиш билан бирга бадхулқликдан ҳам қайтарганлар. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Қиёмат куни мўминнинг тарозисидан гўзал хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди. Аллоҳ таоло адабсиз гапларни гапирувчи бадхулқ кимсага албатта ғазаб қилади**”, дедилар (Имом Термизий ривояти).

“Гўзал хулқлар” деганда, динимизда тарғиб қилинган одобларга риоя қилиш тушунилади. Шу маънода гўзал хулқли бўлиш мусулмон киши учун динининг талаби ҳисобланади.

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳ гўзал хулқни: “Очиқ юзлилик, яхшилик қилиш ва азият беришдан тийилиш” дея таърифлаган.

Шоҳ Кирмоний раҳматуллоҳи алайҳ: “Гўзал хулқ азият беришдан

тийилиш ва қийинчиликларни кўтара билишдир”, деган.

Шунга кўра, “сабабларни” рўқач қилиб ўзгаларнинг қалбларини “жароҳатлаётган” кимсалар қанчалик улкан иллатга мубтало бўлганларини англашлари ва ундан ҳалос бўлишга астойдил уринишлари лозим. Чунки ўзгаларга кўполлик қилишдан сақланиш дунёда ҳам, охирада ҳам аввало кишининг ўзи учун манфаатлидир.

Зуннун Мисрий раҳматуллоҳи алайҳдан “Энг кўп ғам-ғусса чекадиган киши ким?” деб сўрашганида, у зот: “Энг хулқ ёмон кимса”, деб жавоб берган.

Уламолар ёмон хулқли кимсани фақат эгасигина сиғадиган тор уйга ўхшатганлар. Яъни, ёмон хулқли кимсанинг юрагига ўзи хоҳлаган нарсадан бошқа нарса сиғмагани сабабли у доимо унга кирмоқчи бўлган ҳар бир нарса туфайли сиқилишга маҳкум бўлади.

Шулардан кўриниб турибдики, бадхулқлик дунёда ғам-ғуссага, охирада Аллоҳнинг ғазабига дучор қиладиган, ҳар бир оқил инсон ҳазар қилиши лозим бўлган ўта зарarli иллатдир.

Гўзал хулқ эса, Ислом динининг моҳиятини белгиловчи фазилатдир. Мусулмон кишининг соғлом эътиқодли ва амалларида собитқадам экани унинг гўзал хулқидан билиниб туради. Зеро, гўзал хулқ мўминнинг комиллигига далолат қилади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Мўминларнинг иймони комилроғи уларнинг хулқи гўзалроғидир**”, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам энг очиқ юзли, энг бағрикенг, энг кечиримли, яъни хулқи энг гўзал инсон бўлганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига риоя қилиш бахту саодат бўлганидек, уларга риоя қилмаслик дунёда маломатга, охирада эса надоматга дучор қилади.

Аллоҳ таоло барчамизни гўзал хулқли бўлиш саодатига муваффақ қилсин.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти катта ўқитувчиси
Абдулқодир АБДУР РАҲИМ
тайёрлади.

Жувайрия Бани Мусталиқ қабиласи раиси Ҳорис ибн Абу Зирорнинг қизи. Ҳижратнинг 5 йилида содир бўлган Бани Мусталиқ газотида асир олинган. Қабиладан 600 киши асир тушди. Ҳорис қизи Жувайрияни қутқариш учун бир уюр туя олиб келади. Уларнинг орасидан иккита зотдорини кўзи қиймай, шаҳар ташқарисига яшириб қўяди.

Ҳорис Расулulloҳ алайҳиссаломнинг хузурига келганида: “Фалон ерга яшириб қўйган иккита туянгни ҳам олиб кел”, дедилар у зот. Бу гапни эшитган Ҳорис ибн Абу Зирор шошиб қолди: “Аллоҳга қасамки, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимсанинг бундан хабари йўқ эди. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг бандаси ва расулдир!” Шу тариқа Ҳориснинг икки ўғли ва қабиласидан бир неча киши мусулмон бўлди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларни олиб, унинг қизини қайтардилар: отаси, акалари ва қабиладоларидан кейин Жувайрия ҳам мусулмон бўлди. Шундан сўнг Набий алайҳиссалом унга никоҳландилар.


Жувайрия бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо

Саҳобалар: “Биз Расулulloҳ алайҳиссаломнинг оиласини, онамизнинг қариндошларини қул, хизматчи сифатида ишлатишдан уяламиз”, деб юзларча асирни озод қилишди. Бу олижаноблик ва афву марҳаматни кўрган Бани Мусталақ қабиласи Аллоҳга ва унинг Пайғамбарига иймон келтиришиб, Исломни қабул қилдилар. Шу тариқа Жувайрия розияллоҳу анҳо ўз қавмига энг кўп хайр ва барака келтирган аёллардан бўлиб қолди. Жувайрия розияллоҳу анҳо бу воқеани тез-тез ёдга олиб, фахрланар эдилар. Ойша розияллоҳу анҳо эса бу ҳақда: “Қавмига Жувайрия розияллоҳу анҳодек яхшилиги теккан аёлни кўрмадим”, деган.

Жувайрия онамиз розияллоҳу анҳо кўп ибодат ва зикр қилар эдилар.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эрталаб бомдод намози пайтида унинг хузуридан чиқиб кетдилар. У намоз ўқийдиган хонасида эди. Сўнгра зуҳро намозини ўқиб бўлиб қайтиб келсалар, Жувайрия

Шавкатжон Ботиров. 1989 йили Фарғона вилоятида туғилган. Тошкент шаҳридаги Қўқалдош мадрасасида таҳсил олган. Ҳозирда Тошкент ислом институтининг Модул йўналиши 2-курс талабаси. 2021 йилдан буён Данғара тумани бош имом-хатиби ва тумандаги “Сайидахмадхон ҳожи” жоме масжиди имом-хатиби.



Шавкатжон БОТИРОВ,
Данғара тумани бош имом-хатиби

Насихат

Ҳамма нарса фонийдир

Аллоҳ таоло айтади:

«(Ер) юзидаги барча мав-

жудот фонийдир» (Ар-Раҳмон сураси, 26-оят). Дарҳақиқат, ҳар онимиз, ҳар ҳолимиз ўткинчи. Кўлимиздаги неъматлар, севганларимиз, нафратланганларимиз, душманлик қилганларимиз, дўстларимиз... фоний... Бирок бандамиз. Унутувчимиз... Дунёда абадий қоладигандек, ҳар бир хоҳишимизга ўзимиз эришишга қодирдек яшаймиз: вақтимиз беҳисоб, ҳеч тугамайдигандек ўйин-кулгига бериламиз; ҳисоби сўралмайдигандек, мол-дунё тўплаймиз; бизга ҳурматсизлик қилган инсондан дунёнинг соҳибидек ҳисоб сўраймиз; Ер юзида тўйиб нон емаган қанчадан-қанча инсонлар бўлгани ҳолда, олдимизга келтирилган таомларнинг камчилигини санаймиз; бошпанасиз, саргардон, ҳатто юртсиз кезаётганлар миллионлаб одамларнинг ҳикояларини оммавий ахборот воситалари орқали тингласак-да, уйимизнинг русумдан қолган жиҳозларини алмаштириш ҳақида бош қотирамиз. Умрлар, ҳаётлар, онлар... барчаси бесамар со-
вурилиб кетмоқда.

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Зориёт сураси, 56-оят), дея амр этади Аллоҳ азза ва жалла. Ҳўш,

биз ҳаётимизни шу оятга мувофиқ ўтказаямизми?!

...Жавобни тилга чиқаришга аксариятимиз уяламиз. Ишдан ортсак, дунё ташвишларидан бўшасак, чарчаб қолмасак, ибодатларимизни адо этамиз. Афсуски, Аллоҳнинг ғазабига қолишдан эмас, балки одамларнинг эътиборини йўқотишдан, уларнинг эътирозу танбеҳларига дучор бўлишдан кўрқамиз. Ҳали бу ишларимиз учун сўроққа тортилишимизни билсак-да, фоний дунё ортидан чопаверамиз.

Ачинарлиси эса, дунёнинг ҳеч қачон ҳеч биримизга вафо қилмаслигини, ўзимиз ҳам дунёга устун бўла олмаслигимизни бот-бот сўзлаймиз. Бирок бу сўзлар бўғзимиздан нарига ўтмайди. Қалбимиз аввало бандалик бурчингни адо эт, Аллоҳнинг

амрларини жойига келтирсанг, ибодатларингни адо этсанг, шукр қилсанг, ўзингни ҳар ёққа уришинга ҳожат қолмайди, деган ҳақиқатни уқтира олмаймиз.

Тарихга назар ташласак, солиҳ зотлар, саҳобаи киромлар, Аллоҳнинг дўстлари қиёмат, охират, ўлим ҳақидаги оятларни ўқиганларида, кўзларига ёш қалқар, дунёдан юз ўгиришни истаб қолганларига гувоҳ бўламиз. Биз ана шу гўзал кечинмани йўқотиб қўйдик. Натижада ижтимоий ва моддий ҳаёт маънавий ҳаётимиздан устун бўла бошлади.

Қалбимизни, онгимизни, руҳимизни дунё ташвишлари эгаллаб олишидан эҳтиёт бўлайлик!

Бектош ҲАКИМОВ,

Кармана тумани бош имом-хатиби



Бектош Ҳакимов. 1983 йили Навоий вилоятида туғилган. Мир Араб мадрасасини, кейин Тошкент ислом институтини битирган. 2007-2012 йилларда Навбаҳор туман “Хонхўжа эшонбобо” жоме масжиди имом-хатиби, 2012-2021 йилларда Хатирчи тумани (бош имом-хатиби) “Шайх Гадои Селкин” жоме масжиди имом-хатиби, 2021 йилдан буён Кармана тумани (бош имом-хатиби,) “Қосим Шайх” жоме масжиди имом-хатибидир.

Масала

3-бетда

Деярли барча масжид ва мадрасалар тепасида бунини кўриш мумкин эди. Орадан вақт ўтиб, уламолар мажлисида Ислом диёрлари кенгайиб бораётгани ва узоқ ўлкаларда қиблани белгилаш муаммо бўлаётгани айтилди. Шунда уламолар масжид, мадраса ва идоралар гумбазидаги ой рамзини айнан шу мақсадда қўллашга қарор қилишди. Ҳилол гумбаз тепасига учли қирраларини қибла томонга қаратиб қўйиладиган бўлди. Токи масжидга келган мусофир ушбу рамзга қараб, қибла қайси томонда эканини хонақоҳга кирмасдан билиб олсин...

Демак, масжид ва миноралар устига ўрнатиладиган ҳилол рамзининг учли қирраларини қибла томонга қаратиб ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

САВОЛ: Ҳозирда баъзилар автосалонлардан шартнома олиб, бошқа бировларга сотишмоқда. Шу жоизми?

ЖАВОБ: Йўқ, жоиз эмас. Биринчидан, бу ерда бир қарашда шартноманинг ўзи сотилаётганга ўхшаб кўрингани билан, аслида, машина савдодаги мол бўлиб, унга тўлов шартнома эгасининг номидан амалга оширилади ва машина ҳам унинг номига чиқади. Шартнома эгаси эса, ҳали ўзиники бўлмаган машинанинг устига фойда қўйиб сотмоқда. Бу иш шаръан жоиз эмас.

Фуқоҳоларимиз айтишади: “Кўчар мол-мулкларнинг савдоси уларни қўлга киритишдан олдин жоиз эмас. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлга киритилмаган нарсанинг савдосидан қайтарганлар. Чунки бу савдода сотилган нарса (харидор қўлига етиб боришидан олдин) талафотга учраши мумкинлиги эътиборидан, савдо келишувининг бузилиш хавфи бор” (“Баҳрур роиқ”).

7-бетда

Тухмат “бумеранг” кабидир

Тухмат – бирор кишига қасддан асли бўлмаган айбни юклаш, обрўсизлантиришга уринишдир. Тухматчи қисқа вақт мобайнида мақсадига эришиб, қаршисидаги одамга катта зарар етказиши мумкин. Аслида эса энг катта зарарни ўзига етказди. Дунё ва охиратда хорликка учрайди.

Тухматнинг асосида ўзга инсондаги покизалик, чиройли хулқ ва билимни кўра олмаслик, унга ҳасад билан боқиш иллати ётади. Зеро, тухмат ҳақиқатни яшириш, ўз ҳақи бўлмаган имкониятларни қўлга киритиш, беайб инсонни шармандаи шармисор қилиш, оғир гуноҳга ботиш демакдир.

Бўхтон фақат икки кишининг орасида содир бўлиб қолмайди. Тухматга учраган киши хабари бўлмаган бир масалада жамият кишилари орасида шарманда бўлади ва чорасиз қолади.

Тухмат, шунингдек, ёмонликнинг жамиятга ёйилишига сабаб бўлади. Чунки ушбу фитна ҳақида инсонлар бир-бирлари билан гаплашарканлар, тоза фитрат ва зеҳнлар кирланади. Яъни, тиллар ғийбат, қалблар эса ёмон гумон билан андармон бўлиб қолади.

Киши номуси билан боғлиқ

тухмат ўта хатарлидир. Хусусан, гуноҳсиз ва ифбатли аёлларни ёмонотлиқ қилиш улкан гуноҳ ҳисобланади. **«Албатта, (фаҳш ишлардан) беҳабар, ифбатли мўмина аёлларни бадном қиладиган кимсалар дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатланурлар. Уларга улкан азоб бордир»** (Нур сураси, 23-оят).

Бундай тухматни эшитган мўмин тутадиган йўл яхши гумонда бўлиш, кўзи шоҳид бўлмаган ҳеч бир нарсани тилга олмаслик ва гап-сўз тарқалишига тўсқинлик қилишдир. Зеро, инсон Аллоҳнинг ҳузурида билиб-билмай айтган сўзи учун ҳам ҳисобга тортилади. Чунки тил, қулоқ, кўз ва қалб қилаётган ҳар бир амали учун масъулдир.

Қуръони каримда Марям розияллоҳу анҳога тухмат қилганларга муносиб жавоб қайтарилиб, Исо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг мўъжизаси сифатида отасиз дунёга келгани айтилади.

Расулulloҳ алайҳиссаломнинг суюкли завжалари Ойша розияллоҳу анҳога ҳам тухмат қилинганида, Аллоҳ у кишини Қуръон билан оқлади.

Пайғамбарларга, солиҳ зотларга мунтазам тухмат тошлари отилганидек, Аллоҳ таолонинг зоти покига, сифатларига ҳам кофир ва мушриклар

доимо шубҳаю гумон билан қарадилар, фитна уруғини сочдилар. Қуръони карим бундай ёлғонларга чиройли тарзда жавоб берган, Аллоҳнинг ўғил-қизи бўлиши, бутлардан ёрдамчиси бўлиши, Аллоҳ ҳаром қилмаган нарсаларни ҳаром қилганини айтишлари каби бир қанча ботил ишончлар очикчасига рад этилган.

Инсон ўз нафсини тарбиялаш билан банд бўлса, ўзгаларнинг айб ва нуқсонларини қидиришга вақти қолмайди. Ёлғон ва тухматга мойил кишилар қалбларига ин курган кибр ва ҳасад, нафрат, тақдирга исён қилиш ва бошқа иллатларга қарши курашишлари лозим. Акс ҳолда ичидаги “заҳар” бошқалардан аввал ўз соҳибига зарар беради, унинг қалбини ўлдиради, охиратдаги насибасини йўққа чиқаради. Ҳасади туфайли бировга душманлик қилишни дилига туккан киши аввало ўзини, гўзал ният ва амалларини оташга отади, гўё.

Афсус, бугунга келиб тухмат “психологик курашиш услуги”

сифатида ишлатилмоқда. Инсон қўлидаги техник воситалардан “унумли” фойдаланган ҳолда бир инсонга нисбатан бошлаган тухматини қаршисидаги “душмани” “қўл силтаб кетмагунча” ёхуд ўзи истаган нуқтага келгунича тўхтовсиз амалга оширади. Бу шундай тарғибот усулики, ҳатто тухматчилар вақт ўтиб, ўзлари ҳам ёлғонларига ишона бошлайдилар.

Тухмат – бумеранг каби. Нега?! Бумеранг – отсангиз ўзингизга қайтиб келадиган эгри таёқча. Қанчалик узоққа улоқтирманг, қайтиб келаверади. Тухмат ҳам худди шундай, бировга отсангиз, албатта, ўзингизни “топади”. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинади: **“Кимки бир мусулмонни бирор айб билан айбласа, то ўзи ўша айбни қилмагунча вафот этмайди”** (Имом Термизий ривояти).

Аллоҳ асрасин!

Алишер БОБОЖОНОВ,

Гурлан тумани “Усмон Саид бобо” жоме масжиди имом-хатиби



Алишер Бобожонов 1981 йили Гурлан туманида туғилган. 2003 йилда “Имом Фахриддин ар-Розий” мадрасасини, 2009 йилда Урганч давлат университетининг Ҳуқуқ ва маънавият факультетини тамомлаган. 2012–2014 йилларда “Имом Фахриддин ар-Розий” мадрасасида араб тили ва мусталахул ҳадис фанларидан дарс берган. 2018–2021 йиллари Тошкент ислом институтида ўқиди. 2003 йилдан 2017 йилгача Гурлан тумани “Усмон Саид бобо” жоме масжиди имом ноиби, 2017 йилдан шу масжид имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.

Муборак саналар

«(Эй Муҳаммад!) **Биз сизни оламларга айни раҳмат қилиб юборганмиз»** (Анбиё сураси, 107-оят).

Рабиул аввал Набий алайҳиссалом таваллуд топган ой. Уни алоҳида ўтказишга оид муҳим тавсиялар берилмаган. Аммо у зотга салавотни кўпайтириш, ҳаётларини ўрганиш улкан савобдир.

Сийратни ўрганинг. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва

салламни севишимиз, эъозлашимиз ва у зот ҳақларида аҳли оиламизга сўзлаб беришимиз зарур. Бу икки дунё саодатига эришимизга сабабчи бўлади.

Салавотни кўпайтиринг. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким менга битта салавот айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта салавот**

айтади”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Суннатларини тирилтиринг. Унутилган бир суннатни қайта тиклаш жуда улуғ ва қадрли амал. Бир ҳадиси шарифда: **“Унутилган бир суннатимни қайта тиклаганга юз шаҳид савоби бор”**, деб марҳамат қилинади (Имом Ҳоким ривояти).

Шафоатларини сўраб дуо қилинг. Расули акрамнинг шафоатларига

ноил бўлган мўмин гуноҳлари кечирилиб, жаннат аҳлидан бўлади.

Ҳадисларидан ёд олинг. Ҳадислар Қуръони карим оятларига шарҳ ва изоҳдир. Шариат илмини ўрганиш ўзликни англаш, ҳаёт тарзимизни тўғрилаш ва фарзандлар тарбиясида муҳимдир.

Робия ТОҲИРОВА

тайёрлади.

Саодат қучганлар

(Давоми, бошланиши 14-сонда)

16. Бу умматнинг ҳақими – Абу Дардо Уваймир ибн Зайд розияллоҳу анху.

17. Расулulloҳнинг Маккадаги икки муаззинлари – Авс ибн Миъяр ибн Робиа ва Абу Маҳзура розияллоҳу анхумо.

18. Уммат ичида ҳалол ва ҳаромни энг яхши билувчи – Муоз ибн Жабал розияллоҳу анху.

19. Расулulloҳнинг райҳонлари – Ҳасан ва Хусайн розияллоҳу анхумо.

20. Арабларнинг «атрабуни» (даҳоси) – Амр ибн Ос розияллоҳу анху.

Саҳобаларнинг унвонлари

21. Румликларнинг Ислонга пешқадами – Суҳайб ибн Синон розияллоҳу анху.

22. Форсларнинг Ислонга пешқадами – Салмон Форсий розияллоҳу анху.

23. Ҳабашларнинг Ислонга аввалгиси – Билол ибн Рабоҳ розияллоҳу анху.

24. Қуръонда исми зикр қилинган ягона саҳоба – Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анху.

25. Қиёмат кунида уламоларнинг имоми – Муоз ибн Жабал розияллоҳу анху.

26. Масжиднинг кабутари – Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анху.

27. Қабрини Расулulloҳнинг ўзлари қазиган саҳоба – Абдуллоҳ Зулбижодайн розияллоҳу анху.

28. Парвоз қилувчи шаҳид – Жаъфар ибн Абу Толиб.

29. Мискинларнинг отаси – Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоҳу анху.

30. Бану Хатма қабиласига имомлик қилган ва «Қори» деб аталган саҳоба – Умайр ибн Адий розияллоҳу анху.

Толибжон НИЗОМОВ

таржимаси

Ватани ва халқини сотган кечирилмайди!

Усмонли турк хукмдорларининг тўққизинчи халифаси Меҳмет Фотиҳнинг набира-си Султон Салим ўта ёвуз ва қаттиққўл эди. Шу сабабли унинг исмига “ёвуз” деган сифат қўшилган. Шундай бўлса-да, турклар уни ҳурмат қилишарди. Чунки Султон Ёвуз Салим ягона “Турк салтанати”ни барпо қилди. У Ватанини ва халқини яхши кўрарди.

Султон Ёвуз Салимнинг тез-тез халқ орасига кириб, бозорларни кезиб, мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятни ўрганиб туриш одати бор эди. Султон шу ода-тига кўра, бир куни одамлар танимаслиги учун эски кийимларни кийиб, мулозимларига ҳам қаландарларнинг кийимини кийдириб, кўчаларни ва бозорларни айланиб юрса, бозорда бир одам каклик сотаётган экан. Бир томонида ўнларча какликни: “Ҳаммаси бир тилла!” деб қичқиряпти. Бошқа бир

томонида қафасдаги бир какликни: “Бунинг баҳоси юз тилла!” деяпти. Сотувчининг бу гапидан ҳайрон бўлган Ёвуз Салим: “Нимага ўнчага каклигинг бир тилла-да, бу бир какликнинг ўзи юз тилла? Бунинг қандай фазилати бор?” деб сўради. Шунда каклик сотувчи: “Бу каклик сайраганида атрофида нечта каклик бўлса, барчаси келиб овчининг тўрига тушади”, деди.

Султон Ёвуз Салим дарров ёнидан юз тиллани какликчига бериб, какликни сотиб олди. Мулозимлари: “Султоним! Шу битта какликни юз тиллага сотиб олгандан кўра, наригиларини бир тиллага олсангиз бўлмасмиди?” деганида, Султон какликни қўлига олди ва унинг бошини юлиб, отиб юборди. Кейин одамларга қараб: “Ўзининг қариндошларини ва жинсдошларини душманига ушлаб берадиган

хоиннинг жазоси ўлимдир, ўлим! Эй му-сулмонлар! Ҳаммани

кечиринг! Аммо Ватанини, халқини ва ўзининг жинсдошини сотгани кечирманг!” деди ва бозордан чиқиб кетди.



Алишер Навоий номидаги давлат музейи докторанти Абдурасул ТОШПЎЛАТОВ тайёрлади.

Мактубларда манзаралар

Фақат кечириб юборганлар киради...

Жума. Масжид секин-аста намозхонлар билан тўла бошлади. Бир пайт кекса отахонни етаклаган бир йигит сафда ўтирганларга энгашганча “узр, узр...”, дея олдинга ўтиб кела бошлади. Отахонни танидим... Унинг боши тўхтамай сараклайди, қўллари қалтирайди. Ўғли уни бир устунга суянтириб ўтиргизди. Ўзи орқа сафга ўтди. Отахон яқинимда бўлгани учун унга кўз қирим тушиб турарди. Фикримни жамлашга қанча ҳаракат қилмай, хаёлимга болалик чоғимда шу одам билан юз берган воқеа келаверди...

... Иккинчи ё учинчи синфда ўқирдим. Отам механизатор, куну тун далада ишлар, ёзги таътил бошланиши билан биз ҳам далага чайла тикиб, кўчиб борардик. Отам тонг саҳарлаб трактор билан ғўза қатор ораларига ишлов беришга киришиб, қуёш тиккага келганида қайтади. Тупроқли йўлнинг бир томони узоқларга чўзилган пахта даласи, иккинчи томони кенг бедазор. Мен салқинда қўйларимни олиб чиқиб, зовур бўйларида боқаман. Китоб ўқиш жону дилим. Ўқариқ четидаги катта кесак устига ўтириб, уватда ўтлаётган қўйларни эътибордан қочирмай, китоб ҳам ўқийман. Бир куни ўқишга жуда берилиб кетибман. Қўйлардан уч-тўрттаси бедазорга кирибди. Кўришим билан юрагим қинидан чиқай деди. Қоровул амаки жуда жаҳлдор эди.

Бошқаларнинг чорвасини яқин йўлатмаса-да, бригадир ва ўзининг чорваси бедазор этагида бе-малол ўтлаб юрарди. Бор кучим билан чопдим. Қўйларни чиқариб улгурмасимдан қаршимда от минган қоровул пайдо бўлди. У шитоб билан отдан сакраб тушди. Қўрқанимдан ялина бошладим:

— Жон амаки, кечиринг, билмай қолибман...

Юз-кўзим аралаш тушган қаттиқ зарбадан анча нарига бориб тушдим.

— Тур ўрнингдан, ярамас! Колхознинг мулкида қўй боқишни сенга ким қўйибди?!

Оёғимга тушган қамчи зарблари суякларимни зирқиратди. Уста-уст тушган зарбалардан тилимни тишлаб олган эканман. Сал ўтиб, шишиб кетди ва оғзимга сиғмай қолди. Қон туфлаганча зўрға қўйларимни ҳайдаб чайлага етиб олдим. Аҳволимни кўриб онам кўрқиб кетди. Юз-кўзларимни ювар экан, йиғлаб юборди ва:

— Боланиям шундай урадимиз? Бир мартагина огоҳлан-тирса бўларди-ку?! Аллоҳ жазосини берсин! — деб қарғади.

Шундан бери ўша одамни қаерда кўрсам, совуқ тер босиб, кайфитим бузилади...

Хаёлларга берилиб ўтириб, маъруза бошланганини ҳам сезмай қолибман. Имомнинг бир гапидан хушёр тортдим: “Ҳадисларда келишича, жаннатда бир эшик бўлиб, ундан фақат кўрган зулмини афв қилганларгина киради...”

Худди мен учун айтаётгандек эди. Бошимни кўтариб устунга суяниб ўтирган отахонга қарадим. Ич-ичимдан бир тилак қалқиб, тилимга кўчди: “Ё Аллоҳ, ўзинг ризолигинг учун шу бандангни кечирдим. Сен ҳам мени афв эт!”

Шунақа енгил тортдимки, таърифлаб бера олмайман. Кўнглим ёришиб кетди...

Иброҳим ТОШЕВ, Пискент тумани



Масала

5-бетда

Иккинчидан, машинага тўлов қилаётган шахс шартнома эгасининг номидан тўлов қилгани учун, машина ҳам шартнома эгасининг номига чиқади ва қачонки у нотариал идора орқали харидор номига ўтказиб бермагунича мулк ҳам унинг ихтиёрида бўлиб, харидор алданиб қолиши эҳтимоли мавжуд. Бу эса, шариатда ман қилинган ғарар — алдов устига қурилган савдо ҳисобланади.

Учинчидан, аксарият ҳолатларда бу каби шартнома сотувчилар бир нечта шартномани қўлга кири-тиб, уларни сотишга ҳаракат қилади. Масалан, 134 млн. 294 минг сўмлик автомашина устига шартномани олиб бергани учун 1200 доллар устама қўяди. Табиийки, бу нарсаси автоулов нархининг ошишига сабаб бўлади. Нархларни сунъий равишда ошириш динимизда ман этилган.

Шу эътибордан автомашина сотиб олиш учун тузилган шартномани сотиш шаръан ножоиздир.

САВОЛ: Эр вафот этганида идда муддати ёш аёл учун узоқроқ, қари аёл учун қисқароқ бўлади, деб эшитдим. Шу тўғрисида?

ЖАВОБ: Эри вафот этган аёлнинг иддаси узун ёки қисқа бўлиши ёшга боғлиқ эмас. Балки аёлнинг ҳомиладор ё ҳомиладор эмаслигига боғлиқ. Эри ўлган аёлнинг иддаси — ёшидан қатъи назар — 4 ой 10 кундир. Агар ҳомиладор бўлса, туққунича идда ўтиради.

Эрнинг вафоти ҳижрий-қамарий ойнинг бошига тўғри келса, идда ҳилол (янги чиққан ой)лар билан ҳисобланади. Агар ойнинг ўртасига тўғри келса, кунлар билан ҳисобланади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

ЭЪЛОН

Сулаймонова Муслима Хайрулла қизига 2020 йил “Ҳадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти томонидан берилган D №001845 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Каримов Камолитдин – "Йил китобхони" танлови ғолиби.



Ғолиб талабалар тақдирланди

48-гуруҳ талабаси Билолиддин Иброҳимжонов "Мухтасарул Виқоя" китобидан бешта фаслни ёддан айтиб 1-ўринни эгаллади. Билим юрти томонидан мақтов ёрлиғи ва 2023–2024 ўқув йили учун бир йиллик шартнома тўлови сертификати билан тақдирланди.



49-гуруҳ талабаси Маҳамов Муҳаммадқодир 2-ўринни эгаллаб, 6 ойлик шартнома тўлови сертификати қўлга киритди.

Мусулмон одоби

Муқаддас динимиз кишиларни ҳамиша тинч-тотув ва аҳил-иноқ яшашга, саломатликларини ўз вақтида асрашга чақиради. Зотан, киши қачонки кўнгли хотиржам, тани-жони соғ бўлса, у бахтиёр инсондир. Шунинг учун ҳам кексаларимиз дуога қўл очганида, Яратгандан биринчи бўлиб тинчлик, офият ҳамда омонлик сўрашади.

Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Мен Набий алайҳиссаломдан: «Ё Расулulloҳ! Менга Аллоҳ таолодан дуо қилиб сўрайдиган бирор нарсани ўргатинг», деб сўрадим. Шунда у зот: «**Аллоҳ таолодан хотиржамликни сўра**», дедилар. Бир неча кундан кейин яна Набий алайҳиссаломнинг

Икки неъмат борки...

олдиларига келиб, «Ё Расулulloҳ! Менга Аллоҳ таолодан дуо қилиб сўрайдиган бирор нарсани ўргатинг», дедим. Шунда у зот: «**Эй амаким, Аллоҳ таолодан дунё ва охирада хотиржамликни сўранг**», дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: «**Икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. Улар – хотиржамлик ва сиҳат-саломатликдир**» (Имом Бухорий ривояти).

Дарвоқе, ушбу ҳадиси шарифда айтилган таъкид бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Негаки, аксарият одамлар ўз тинчлиги ва хотиржамлигини ўйла-масдан тирикчилик ва янада яхшироқ яшаш важдан ўзини турли синовларга дучор қиладилар. Оқибатда соғлиқ ва ҳаловатдан айрилиб, азоб чекишади. Шунинг учун киши неъматнинг борида қадрига етиши, асраши лозим. Боиси, шу икки неъмат кимда жам бўлса, у чиндан ҳам саодатманддир.

Хотиржамлик ва саломатлик илоҳий неъмат экани ҳақида Расулulloҳ алайҳиссалом бундай дейдилар: «**Аллоҳдан афв ва тинчлик-омонликни сўранглари. Чунки бирор кишига иймондан кейин тинчлик-омонликдан**

афзалроқ неъмат берилгани йўқ» (Имом Термизий ривояти).

Ҳақ таоло бандаларига тинчликни мустаҳкамлашни, шайтоний йўлларга эргашмасликни буюради: «**Эй иймон келтирганлар! Ёппасига тинчлик ишига киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир**» (Бақара сураси, 208-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: «**Кимки ўз уйида тинчликда, тани соғлом, бир кунга етадиган таоми бор ҳолда тонг оттирса, унга бутун дунё неъматлари тўлиғича берилгандек бўлибди**», деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Дилмурод СОДИҚОВ
тайёрлади.

Болангизга ўқиб беринг

Ўн тўрт ёшга тўлган Жавоҳир тенгдошлари орасида тиришқоқлиги билан ажралиб туради. Мактабда дарсларни пухта ўзлаштиради, ҳамма фанлардан баҳолари аъло. Чунки у жудаям интизомли, кўчада санғиб ёки телефондаги ўйинларга чалғиб вақтини беҳуда ўтказмайди. Бўш бўлдими, қўлига китоб олади, уйга берилган вазифаларни бажаришга киришади.

Аммо кунларнинг бирида нимадир бўлди-ю, дарсга яхши тайёрланмай келди. Ўқитувчи унга ўртача баҳо қўйди. Жавоҳирнинг кайфияти тушиб кетди. Боши эгик ҳолда жойига бориб ўтирди. Гўё ҳаётидаги муҳим нарсани йўқотганди. Унинг тушкун ҳолати ўқитувчига таъсир қилди, қўйган баҳосини аълога ўзгартириб берди. Табиий, Жавоҳирнинг хафалиги тарқалди, аммо ўйла-ниб қолди. Нима сабабдан баҳо учун бунчалик тиришди, қачондан буён аъло баҳо унинг учун муҳим ютуққа айланди, бу шунчалар аҳамиятлими?

Бобосининг гапи эсига тушди: «Болам, ҳаёт ҳам мактаб, ундаги вазифаларни тўғри бажариб, аъло баҳо оласан ёки аксини қилиб, ёмон баҳога эга бўласан». Жавоҳир ўйлаб

"Аъло баҳо" нима?

қўриб, бу ўғитга амал қилмаётганига ичидан иқрор бўлди. Айниқса, бир ҳафта олдин бошқа ўқитувчисини дарс пайти асабийлаштиргани уни хижолатга соларди. Жавоҳир ҳар галгидек доскага чиқиб, берилган топшириқларни қойилмақом қилиб бажарди ва аъло баҳо олди. Кейин дўстлари билан суҳбатга берилди. Муаллима танбеҳ бергач, бироз жим бўлишди ва яна суҳбатларини давом эттиришди. Шу ҳол қайта-қайта такрорланди. Охири ўқитувчининг тоқати тугаб, уларни қаттиқ уришиб берди.

Ўқитувчининг юз-кўзидаги норозилик ифодаси Жавоҳирга бошқача таъсир қилди. Гўё муаллима: «Сизларни ақлли, одобли ўқувчилар деб ўйлардим, афсус, адашган эканман, сизларга нисбатан ҳурматим йўқолди», деяётгандек эди. Жавоҳир ўзини койиди, виждони қийналди. Лекин эртаси куни бу воқеани эсдан чиқариб юборди... Энди эса, шунча кун ўтиб ёдига тушса, хижолатдан терга ботяпти.

Жавоҳир мактабдан келиб, сўрида китоб ўқиб ўтирган бобосининг ёнига борди. Салом бериб, ҳол-аҳвол сўрагач, гап орасида бўлган воқеани сўзлаб берди. Бобоси бир зум сукутга чўмиб, оҳиста гап бошлади.

– Болам, анча йиллар олдин мен ҳам бир дўстимни ноўрин хафа қилиб қўйгандим. Сўнг туш кўрдим. Тушимда дўзахга тушган эмишман. Дўзах ва жаннатни битта парда ажратиб тураркан. Пардани кўтариб қарасам, ўша дўстим жаннатда юрибди. Қўрқиб уйғониб кетдим. Очиғи, бу тушни эсласам, ҳали ҳам даҳшатга тушаман. Тонг отиши билан бориб дўстимдан узр сўрадим, у кечирди. Шундан буён бировга озор етказишдан эҳтиёт бўламан.

– Агар ўша одам узр сўралса ҳам, кечирмаса-чи? – дея сўради Жавоҳир.

– Мусулмончиликда уч кундан ортиқ аразлаш ҳаромдир, болам. Зеро, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «**Мусулмон киши учун ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаш ҳалол эмас. Учрашиб қолишса, у ҳам юз ўғириб кетади, бу ҳам юз ўғириб кетади. Иккисидан яхшиси биринчи салом берганидир**», деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти). Асосийси, сен ўз ишингни қилишинг, яъни чин дилдан узр сўрашинг зарур, муҳими – шу. Қолгани Аллоҳга ҳавола, – деб меҳр билан жавоб берди бобо.

Жавоҳир ўзини қийнаётган саволга жавоб топганди...

Сардор ҚУРБОНОВ,
Тошкент вилояти

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Shamsuddinon Boboxonov» НМИУ жамоаси босмахона ходими Нусратхўжа Саидхўжаевга укаси **Саидазимхон ФАТҲУЛЛАХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Shamsuddinon Boboxonov» НМИУ жамоаси нашриёт ходими Собиржон Тунғатовга ўғли **Муҳаммадумар**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамол нури

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zargaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
To'liqin SHERNAYEV
Musahhiha:
Zebo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
05.09.2023
Xulosa (№03-07/7225) olindi:
13.09.2023
"SHAMSUDDINON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650
227/16-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zargaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!